$$\delta_r = \left| x_{q_r}^{k^t p} - f_r(x_1^{k^t p}, \dots, x_k^{k^t p}, \dots, x_{q-1}^{k^t p}, x_{q+1}^{k^t p}, \dots, x_s^{k^t p}, x_{s+1}^{k^{tt} p}, \dots, x_l^{k^{tt} p}) \right|$$

бу ерда $x_k^{k^t p} \in [a_{r-1}, a_r]$, бунда $1 \le r \le d$. Шундай ҳолатлар юз бериши мумкинки, танланган модел амалдаги жараёнлар ҳолатида статистик боғликликни талаб этилган аниқликда апроксимация қилмайди [1].

Фойдаланган адабиётлар

1. Бекназарова С.С. Дискретно- непрерывные процессы в TIAV мультимедийной системе, LAP LAMBERT Academic Publishing GmbH & Co. KG, Saarbrucken, Germany, 2015, 56 с.

2. Бекназарова С.С. Онлайн-система конструктор проектирования медиаобразовательных курсов, LAP LAMBERT Academic Publishing GmbH & Co. KG, Saarbrucken, Germany, 2013, 96 с.

3. Бекназарова С.С. Модели и программное обеспечение медиаобразовательного портала, LAP LAMBERT Academic Publishing GmbH & Co. KG, Saarbrucken, Germany, 2012, 178 с.

4. Карташов В.Я., Новосельцева М.А., Пяткова Г.А. Выбор периода дискретизации при контроле непрерывных динамических систем. // Вестник КемГУ. Кемерово, вып. № 4, 2000

5. Драница Ю.П., Драница А.Ю. Некоторые постановки задач интерпретации временных последовательностей на основе линейного моделирования. //Электронный журнал "Дифференциальные уравнения и процессы управления” №4, 2009.

УДК 004.932

ВИДЕОТАСВИРДА ОДАМ ҚЎЛ ҲАРАКАТИ КООРДИНАТАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА КОМПЬЮТЕРНИ МАСОФАДАН БОШҚАРИШ

Мамарауфов О.А., Рахманов Ҳ.Э.

Мақолада кетма-кет тасвирларда рангли маркерни кузатиш алгоритмини қуриш қаралади ва web-камера орқали олинаётган видеотасвирда одам қўл ҳаракатини таҳлил қилиш асосида масофадан сичқонча вазифасини бажаришни автоматлаштириш тадқиқот натижалари келтирилган.

Таянч иборалар: видеотасвир, ҳаракатдаги объект, сегментлаш, гистограммали таққослаш, контур.

В статье рассматривается построение алгоритма слежения за маркером цвета на последовательных изображениях и прилагаются результаты исследования автоматизации дистанционного выполнения функции мыши на основе анализа видеоизображении движения руки человека через web-камеру.

Ключевые слова: видеоизображение, движуший объект, сегментация, гистограммное сравнение, контур.

The article deals with the construction of an algorithm tracking marker colors on successive images and the results of the study included the automation of remote execution function of the mouse by analyzing the video image motion of the human hand through the web-camera.

Keywords: video, a moving object, segmentation, histogram comparison, circuits.

Кириш

Инсон қўл ёки бармоқлари ҳаракати билан ўз фикрларини баён қилишда билиб-билмай қўшимча изохлар кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун қўл (кафт, бармоқлар) ҳаракатидан компьютер фойдаланувчилари интерфейсига коммуникацион техника сифатида самарали фойдаланиш турли соҳалар ўз ўрнини топиши мумкин. Қўл ёки бармоқлар ҳаракати ҳақидаги визуал ахборотлардан инсон ва компьютер муносабатлари тизими (HCI)ни яратишда қизиқарли усулларни тадқиқ қилиш мумкин. Мақолада web-камера орқали олинаётган видеотасвирда қўл бармоқлари ҳаракатини реал вақтда ажратиш ва координаталари аниқлаш ҳамда сиқонча курсорини бошқариш алгоритми ва дастурини ишлаб чиқиш қаралган.

Асосий қисм

Замонавий универсал технология тасвирларга ишлов беришда уларнинг визуал примитивлари (ранг характеристикалари, шакллари, текстуралари, видео учун эса янги саҳна, ҳаракат параметрлари ва объектлари) тўплами ва примитив қийматлари бўйича тасвир ўхшашлигининг миқдорий баҳоларини аниқлаш билан боғлиқ. Визуал примитив–рақамланган визуал маълумотлар бўйича автоматик ҳисобланадиган тасвир тавсифлари бўлиб, уларни самарали индекслаш ва тасвирнинг визуал хусусиятларини қўллаш билан сўровларни қайта ишлаш имкониятини беради.

Кузатувдаги тасвирнинг t вақтдаги I нусхасини t_0 вақтдаги I_0 тасвирининг визуал примитивлари билан солиштириш қулай. Тасвир ўхшашликларини ҳисоблашда маълумотлар базасини бошқариш тизимини қўллаб, унинг мос сўровлари орқали жараённи амалга ошириш мумкин. Сўровлар таклиф этилаётган тизимда примитивлар тўплами ифодаси бўлиши мумкин. Бунда тизим t_k вақтдаги I_k ($k=1,2,3,....$) нусхасининг t_0 вақтдаги I_0 тасвирга визуал ўхшашликларини таққослаб фарқларини ҳисоблайди. Аввало, тизим фарқларни

аниқлашда алоҳида визуал примтивлар қийматларини таққослайди ва фарқ даражаларини аниқлайди. Рақамли тасвриларни визуал примитивлари асосида таққослаш етарлича самарали ва универсал ёндашувни амалга оширади.

Видеомаълумотнинг катта хажмини инобатга олган ҳолда ундан рақамли тасвирни олишда ҳар бир кадр бир бутунликда индексланмасдан уни мантиқий кетма-кетликдаги алоҳида қисмлар – видеофрагментлар ҳолида индексланади [1]. Масалани формаллаштиришда қуйидагича йўл тутиш мумкин: қабул қилишда тартибланган кадрлар тўплами узатилади, уларнинг кетма-кетлик рақамлари берилади ҳамда вақт бирликлари ёзиб борилади. Кадрлардан эса рақамли тасвирлар олиниб улар ҳам вақт бўйича индексланади.

Ҳаракатдаги объектни аниқлашда қўшни кадрларнинг ранг гистограммаларини таққослашга асосланган алгоритмни қўллаш мумкин. Тизим навбатдаги кадрнинг ранг гистограммасини ҳисоблайди ва олдингиси билан таққослайди. Гистограммаларни қуриш ва таққослаш статик тасвирлар билан бирдай ишлашни амалга оширади. Гистограммаларни “текислаш”нинг қўшимча имкониятлари борки, ранглар тўпламини ёруғлиги бўйича бўлишни қўллаш мумкин бўлади [3]. Унинг мазмуни ва мақсади гистограммаларни қуйидаги кўринишга келтиришдир

$$\sum_{i=0}^{\frac{N}{2}} H_i = \sum_{i=\frac{N}{2}}^{N-1} H_i \ . \tag{1}$$

Гистограммалар қурилгандан сўнг унинг медианаси аниқланади, яъни шундай k учун қурилади (2),

$$\sum_{i=0}^{k} H_i = \sum_{i=k+1}^{N-1} H_i \ , \tag{2}$$

Сўнгра гистограммадаги барча нуқталар (3) ифода орқали қайта ҳисобланиб чиқилади:

$$H_i^{'} = \frac{H_{\frac{k}{\eta}i} + H_{\frac{k}{\eta}i+1}}{2} \ , \tag{3}$$

бу ерда $\eta = \frac{N}{2}$, $0 \le i < \eta$ ва аналог ифода учун $\eta \le i < N$.

Оригинал гистограмма H' га алмаштирилади. Бу тартибдаги автоматик қайта ишлаш жараёнини қуйидагича изоҳлаш мумкин: тасвирнинг кўплаб реал (айниқса, оқ-қора ва/ёки сифатсиз) нусхаларида амалда бирдай қўшни тасвирлар учрайди; улар фақат ўртача ёритилганликдаги ёруғлиги билан фарқланади. Шунинг учун бошланғич гистограммали текислаш алгоритми қаралаётган масалалар синфига қўлланилиши катта ва керакли самарага эришишга имкон беради.

Ранглар тўпламини квантлаш усулини қўллаб, гистограммалар ўртасидаги масофани ҳисоблашнинг бир неча услублари модификацияси тажрибада қўлланилганда RGB-рангларни ёруғликлари бўйича ажратиш самарали бўлиб чиқди [7]. Хусусий холда, оқ-қора кулранг тасвирлар учун бошланғич соя ранглари тўплами N қисм тўпламларга бўлинади. Тажрибада N нинг қиймати ихтиёрий танланган. Натижаларга кўра N=16 ўрнатилди.

Гистограммаларни таққослаш учун улар орасидаги масофа тушунчаси киритилади, яъни гистограммаларнинг мос элементлари фарқларининг модуллари йиғиндиси. Бу гистограммаларни қуриш усули кўпроқ оқ-қора кулранг тасвирлар учун самаралидир.

Тасвирдаги объектларни ажратиш ва белгилаб олишда у ёки бу примитив қийматлари билан бир хил ёки жуда ўхшаш айрим умумий хусусиятлари бўйича автоматик амалга ошириш билан фазовий сегментланади. Натижада тасвирда соҳалар ўринлари ва ўлчамлари билан характерланади. Бундан ташқари, улар примитив қийматлари билан боғлиқ бўлади.

Контур – объект чегараси бўлиб, ўзида ёпиқ кетма-кетликдаги (x_s,y_s), $0 \le s \le N$ нуқталарни ифодалайди ва бундан $(x_{s+N},y_{s+N})=(x_s,y_s)$ ни ҳисоблаш қулай.

Контурни аниқлаш масаласи тасвир текстурасини характерловчи параметрларни ўзгариши ёки ранглар ёруғлигининг кескин ўзгариши бўйича локаллаштириш билан боғлиқ. Тасвирдаги объект контурларини ҳосил қилиш қуйидагича амалга оширилади: рангли тасвир оқ-қора кулранг тасвирга ўтказилади ва текисланади.

X-Собел ва Y-Собел операторларини қўллаб, тасвирнинг ҳар бир нуқтасида интенсивлик функцияси градиенти ҳисоблашлари бажарилади [4]. Асосий порог сифатида градиент қийматлари ўртачаси олинади. Қайта ишлаш натижасида бинар матрица ҳосил бўлади, унда бир нуқтада ёруғликнинг кескин ўзгарганлигини, нол эса қолган ҳолатларни билдиради. Морфологик операцияларни қўллаб халақитлардан ва контурлардаги мумкин бўлган бўлинишлардан ҳоли қилинади. Сўнгра тасвир сегментланади. Сегментлашдан мақсад тасвирда бармоқ контурларини ажратишдан иборат. Бу босқичдан сўнг объектларнинг ёпиқ контурини ифодаловчи нуқталар массиви ҳосил қилинади. Улардан бир хил 128 та (x_s,y_s), $0 \le s \le 128$ нуқталар танланади. Булар шакл характеристикаларини индекслаш учун мўлжалланган ҳисоблашларда қўлланилади. Ажратилган объект контури нуқталари учун 2 та функцияни қараб чиқамиз.

1) Бармоқ учи контури нуқтасида унинг марказигача бўлган масофа қуйидагича:

$$R(s)^2=(x_c-x_s)^2-(y_c-y_s)^2, \tag{5}$$

бу ерда

$$x_c = \frac{\sum x_s}{N}, \quad y_c = \frac{\sum y_s}{N}$$

контур оғирлик маркази.

2) Бурилиш бурчаклари:

$$\begin{aligned} \gamma(s) &= \arccos\left(\frac{a^2+b^2+c^2}{2ab}\right), \\ a^2 &= (x_{s-1}-x_s)^2+(y_{s-1}-y_s)^2, \\ b^2 &= (x_{s+1}-x_s)^2+(y_{s+1}-y_s)^2, \\ c^2 &= (x_{s-1}-x_{s+1})^2+(y_{s-1}-y_{s+1})^2. \end{aligned} \tag{6}$$

Объект шаклини таққослаш мос векторлар жуфтликлари ўртасидаги умумий масофани ҳисоблашга асосланган услуб таклиф этилади.

Шундай қилиб, ажратилган объект учун индекс унинг шакли қандай жойлашганлиги, ўлчамлари, шаклларни ўлчаш, ўртача ранг каби характеристикалари билан аниқланади ва киритилади.

Саҳнада ҳаракатни пайқаш учун видеотасвирдаги ажратилган соҳа тўғри тўртбурчак билан қамраб олинади [3]. Ушбу соҳада шакл характеристикалари текширилади. Ўзгаришлар учун маълум эталонлар киритилиб ўзгаришлар даражаси аниқланади.

Реал вақтда қўл бармоқлари ҳаракати ҳақидаги ахборотларни ҳосил қилиш ва улардан фойдаланишда қуйидаги қадамларни белгилаб оламиз:

- Видеотасвирда одамнинг ҳаракатдаги қўл тасвирини ажратиш;
- Қўл бармоқлари учларини ва унинг координаталарини аниқлаш;
- Ҳаракат координаталарини Сичқонча манипуляторига узатиш.

Алгоритмни енгиллаштириш учун қулай шароитни яратиш лозим бўлади. Бунинг учун бармоқларга рангли материалли қопламалар тақишни таклиф қиламан. Яъни фойдаланувчи уст кийими рангидан фарқли равишда кўрсатиш бармоғи ва бошқа фаол бармоқларга бир-биридан кескин фарқ қилувчи рангли қопламалар кийгизилади ёки рангли маркердан фойдаланиш мумкин. Компьютер фойдаланувчиси қўлланилиш соҳаларига мос

танланган (фокус масофаси нуқтаи назаридан) видеокамера рўпарасида қўл ҳаракати видеомаълумотини қайта ишлашда қуйидагича ёндашувларни олиб борамиз:

1. Видеомаълумотдан кетма-кет тасвирларни ҳосил қилиш;
2. Кетма-кет тасвирларни таққослаш орқали ҳаракатдаги объектни аниқлаш;
3. Ҳаракатдаги объектни (рангли бармоқларни) идентификациялаш.

Биринчи ва иккинчи ёндашувлар учун алгоритмларни ишлаб чиқиш [6,7] ишларда тадқиқ қилинган. Ҳаракатдаги рангли бармоқларни идентификациялашни кўриб чиқамиз.

Айтайлик, компьютердан фойдаланувчи, масалан, компьютер тақдимотини олиб бораётганда кўрсатиш бармоғига қизил рангли қоплама тақиб олган бўлсин. Олдимизда турган масала реал вақтда кетма-кет тасвирларда кўчувчи қизил ранг(қизил ранг градиенти)ли соҳани аниқлашдан иборат бўлади. Бу жараённинг алгоритмини оқ фонда уч хил қизил рангли доираларнинг статик тасвири учун MATALAB да Image Processing Toolbox [4] пакети функциялари кетма-кетлигини келтирамиз:

```
I=imread('c:\video\reds.jpg');
I_red=I(:,:,1);
I_gray=rgb2gray(I);
I_diff=imsubtract(I_red,I_gray);
figure, imshow(I), figure,imshow(I_diff);
```

MATLAB да ёзилган алгоритмда статик тасвир хотирадан ўқилмоқда ва қизил ранг кўпроқ бўлган пикселлар аниқланаяпти. Сўнгра дастлабки тасвир нимранг тасвирга айлантирилиб қизил ранли пикселли тасвирдан абсолют фарқи ҳисобланмоқда (1-расм).



1-расм. Қизил рангли соҳани аниқлаш. Чапда бошланғич тасвир, ўнгда қизил ранг кўпроқ бўлган соҳалар ниқоблари.

MATLAB да олиб борилган тадқиқотлар натижасида Delphi 7 дастурлаш тилида ишлаб чиқилган “Камера-курсор” дастурий таъминот орқали видеокамерадан тушаётган видеомаълумотни реал вақтда қайта ишлаш, ҳаракатдаги объектда тайинланган рангли маркерни қидириш, унинг юқори нуқтасининг координаталарини аниқлаш ва компьютер сичқончаси кўрсаткичига мос координаталарни бериш орқали қўл ҳаракати ёрдамида масофадан “сичқонча” функциясини бажариш автоматлаштирилди. Сичқончанинг функциялари бажаришда бармоқларга қўлланиладиган шартли белгилар 1-жадвалда келтирилган. 2-расмда алгоритм ва дастурнинг тадбиқий натижалари келтирилган.

1-жадвал

Ташқи курсорни бошқариш шартли белгилар

т/р	Сичқонча функциялари	Шартли белгилар
1	Ташқи курсорни бошқариш	Қизил қоплама
2	Чап тугма босиш	Қизил қоплама ва кўк қопламани лаҳзада кўрсатиш
3	Чап тугманинг фаоллиги	Қизил қоплама ва кўк қоплама
4	Ўнг тугмани босиш	Кўк қоплама

Ишлаб чиқилган дастурий таъминотдан фойдаланишда камера ва проекторларни қулай жойлаштириш лозим. Энг муҳими камерани тўғри танлаш керак бўлади, камеранинг кўриш диапазони одатдаги RGB камера, кадр ўлчами 640x480 ва ёзиш тезлиги секундига 25-30 кадр, фокус масофаси 3-5 метр. Камерани ўрнатишда бу параметрларга қатъий риоя қилиш лозим, акс ҳолда мақсадга эришишда хатоликлар кузатилади. Ташқи курсорни бошқаришда қўл бармоқларига рангли қоплама ёки лазерли нурли қурилмалардан фойдаланиш мумкин.

a) b)

2-расм. Дастур натижалари: a) видеотасвирда қўл бармоқ ҳаракатини идентификациялаш; b)ташқи курсорнинг бошқарилиши.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, реал вақтда видеотасвирга рақамли ишлов бериш ва қарор қабул қилишда қўлланиладиган алгоритмларни ҳисоблаш хажми ва самарадорлиги бўйича оптималини танлашдан ташқари web-камера параметрларига катта боғлиқ бўлади. Видеотасвирда қўл харакатини таҳлил қилиш компьютерли кўриг тизимларининг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади, бу масалани амалий масаланинг мақсадига кўра қўл бармоқларидги рангли ниқобларни ёки рангли маркерни кузатиш орқали содалалаштириш мумкин. Кейинги тадқиқотларда ташқи курсорни бошқариш учун дастурнинг имкониятларини ошириш ва универсал созлаш тизимини ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинган.

АДАБИЁТЛАР

1. Павлидис Т. Алгоритмы машинной графики и обработки изображений. -М.: Радио и связь, 1986.

2. С.С.Содиков, М.Н.Маликов, Тасвирларга сонли ишлов бериш асослари, Т., 1994 й.

3. Гуленко И.Е. Система видеозахвата и анализа движения – распознавание трансформаций и движения объекта. – Труды конференции “Новые информационные технологии” (Судак, Крым, 15–25 мая 2004 г.), с. 141-142. Электрон манба.

4. Журавель И.М. "Краткий курс теории обработки изображений". http://matlab.exponenta.ru/imageprocess/book2/index.php

5. В.Гаганов, А.Конушин. Сегментация движущихся объектов в видеопотоке. Компьютерная Графика и Мультимедиа Сетевой журнал. Выпуск №3(7)/2004.

6. Мамарауфов О.А. Видеомаълумотда ҳаракатдаги объектлар модели ва уларни аниқлаш алгоритми. // ТАТУ хабарлари. Тошкент. 2/2012. Б.68-72.

7. Мамарауфов О.А. Видеоназорат тизимларининг динамик объектларини идентификациялаш. //“Кимёвий технология назорат ва бошқарув” халқаро илмий-техникавий журнал. 3/2012. Б.90-95

УДК 621.391.327(075)

НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИНИ ИНСОН НУТҚИНИ ИДРОК ЭТИШ МАСАЛАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Мусаев М.М., Бахронов Ш.Н.

Мақолада овоз маълумотларини идрок этувчи сунъий интеллектуал тизимларни кўп қатламли нейрон тармоқлари асосида яратиш масалалари ёритилган.

Таянч иборалар: нутқ, таҳлил, спектрал усуллар, моделлар, нейрон тармоқлари.

В статье рассматриваются вопросы создания искусственных интеллектуальных систем распознавания речи на основе многослойных нейронных сетей.

Ключевые слова: речь, обработка, спектральные методы, модели, нейронные сети.

The article describes problems of creating artificial intellectual voice recognition systems based on multilayer neural networks.

Keywords: speech, processing, spectral methods, models, neural networks.

Кириш

Овоз маълумотларини идрок қилишда нейрон тармоқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Нейрон тармоқларининг ишлаш принципи инсон нерв тизимининг биологик моделига асосланган бўлиб, бунда махсус сунъий онг, яъни интеллект яратилади. Нейрон тармоқлари қўйилган масалага нисбатан ўзи мустақил ечим бера олиши зарур. Тармоқ бир-бири билан бевосита боғланган нейронлардан иборат бўлганлиги сабабли нейрон тармоқлари деб аталади [1-3].

Асосий қисм

Нейрон тармоқлари энг аввало математик модел ҳисобланиб, бирор бир масалани ечишда ўзаро боғланган оддий процессорларнинг параллел ҳисоблашига асосланган ва аниқ хулосага кела оладиган сунъий интеллектдир (1-расм).



1-расм. Нейрон модели.

Нейрон тармоқларида кирувчи параметрлар асосан параллел тарзда амалга оширилади. Мисол учун киришга берилган бирор бир сигнал вектори $x(t)=\{x_1(t), x_2(t),..., x_N(t)\}$ элементар векторларга ажратилиб, $w_k=\{w_1^k, w_2^k,... w_N^k\}$ оғирлик векторига скаляр кўпайтирилади ва суммаси ҳисобланади [2]:

$$u_k(t) = \sum_{i=0}^{N} w_i^k x_i(t). \quad (1)$$

Чиқиш сигнали эса қуйидаги формула ёрдамида аниқланади ва у нейроннинг активлигини ифодалайди:

$$y_k(t) = f(u_k(t)). \quad (2)$$

Кўп масалаларни ечишда нейрон тармоғига ихтиёрий қийматдаги кирувчи векторлар берилади. Лекин нейрондан чиқувчи қиймат активлаштириш функциясига боғлиқ равишда [0, 1] ёки [-1, 1] диапазонда бўлиши белгилаб қўйилади.

Нейронни активлаштириш функцияси сифатида сигмоиддан кенг фойдаланилади. Сигмоид математик формуласи қуйидагича:

$$y = \frac{1}{1+e^{-u}}, \quad (3)$$

бу ерда, e – доимий сон (*exp*); u – йиғинди, активлаштириш функцияси аргументи.

Сигмоиднинг чегаравий қиймати [0, 1] диапазонда бўлиб, нейрондан чиқувчи қиймат шу оралиқда ётади (2-расм).



2-расм. Сигмоиднинг график кўриниши.

Барча нейрон тармоқлари қуйидаги асосий компонентлар билан характерланади:

- оддий процессорлар сони;
- боғланиш структураси;
- сигнални тармоқда тақсимланиш қоидаси;
- тақсимланган сигнални қайта ишлаш натижаларини бирлаштириш қоидалари;
- сигналларни активлигини ҳисоблаш қоидалари;
- боғланишларни коррекциялаб туриш қоидалари.

Ҳозирги кунда бир қатламли ва кўп қатламли персептронлардан фойдаланиш оммалашмоқда [4-8]. Энг кенг тарқалган нейрон тармоқларидан бири бу уч қатламдан иборат персептрондир (3-расм). У кириш ва чиқиш боғлари, шу билан бирга кирувчи, яширин ва чиқувчи қатламлардан иборатдир. Персептрон моделида ҳар бир нейрон бевосита олдинги қатламда жойлашган нейрон билан боғланган, яъни вазифа нейронлар орасида тенг тақсимланади.

Нейрон тармоқларига асосланган инсон нутқини идрок этувчи тизимлар қуйидаги

босқичларда ишлайди:

- тармоқни ўргатиш;
- идрок қилиш, яъни тармоқдан фойдаланиш (ишчи режим).

Тармоқни ўргатиш, яъни оптимал $w_1, w_2, \ldots w_n$ оғирлик коэффициентларини топиш учун бир қатор алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Ушбу мақолада нейрон тармоғини ўргатишда хатоларни қайта тақсимлаш алгоритми асосида яратилган эксперментал дастурий таъминотдан олинган натижалар ўз аксини топган.



3-расм. Уч қатламли персептрон.

Хатоларни қайта тақсимлаш алгоритми (сигмоид активлаштириш функцияси мисолида) қуйидаги кетма-кетликдан иборат:

1-қадам: w оғирлик коэффициентлари учун NxN ўлчамли M та матрица очиб олинади, бу ерда M қатламлар сони, N битта қатламдаги нейронлар сони. Мисол учун, агар $w_{i,j,k}$ бўлса, i-қатламдаги k-нейроннинг j-киришидаги оғирлик коэффициенти кўрсатилмоқда.

Кейин барча қатлам нейронлари учун $w_{i,j,k} \neq 1$ шарт асосида бир хил қийматга эга бўлмаган оғирлик коэффициентлари генерация қилинади.

2-қадам: Тармоқ киришига олдиндан белгиланган Y^* тармоқ чиқишига мос бўлган X кирувчи векторлар берилади.

3-қадам: w оғирлик коэффициентларининг дастлабки ҳолатлари ва X кирувчи векторлар учун Y чиқувчи қиймат (1 – 3) формулалар асосида ҳисобланади. Ҳар бир қатлам учун ҳисоблашлар кетма-кет амалга оширилиши зарур.

4-қадам: $\Delta Y = Y - Y^*$ ифода ёрдамида ΔY ҳисобланади.

5-қадам: Агар ΔY рухсат этилган хатоликдан кичик бўлса, 9-қадамга ўтилади.

6-қадам: Акс ҳолда M-қатлам учун навбатдаги операциялар бажарилади:

- қатламдаги барча 1 дан N гача рақамланган нейронлар учун навбатдаги операциялар бажарилади:

- нейроннинг 1 дан N гача бўлган барча оғирлик коэффициентлари учун навбатдаги операциялар бажарилади:

- $\delta_M = Y(1-Y)\Delta Y$ вектор ҳисобланади;

- $\Delta w_{M,j,k} = \eta \delta_{M,k} Y_{i-1,j}$, бу ерда η - тармоқни ўргатиш тезлиги (0,01 дан 1 гача).

- коррекцияловчи қийматни дастлабки оғирлик коэффициентига қўшамиз:

$w_{M,j,k} = w_{M,j,k} + \Delta w_{M,j,k}$.

7-қадам: (M-1) - қатлам учун юқоридагилардан келиб чиқиб навбатдаги операциялар бажарилади:

- қатламдаги барча 1 дан N гача рақамланган нейронлар учун навбатдаги операциялар бажарилади:

- нейроннинг 1 дан N гача бўлган барча оғирлик коэффициентлари учун навбатдаги операциялар бажарилади:

- $\delta_t = Y_{t+1}(1 - Y_{t+1})\left[\sum_{k=1}^{N} \delta_{t+1,j} w_{t+1,j,k}\right]$ вектор ҳисобланади;

- $\Delta w_{t,j,k} = \eta \delta_{t,k} Y_{t-1,j}$, бу ерда η - тармоқни ўргатиш тезлиги (0,01 дан 1 гача);

- коррекцияловчи қиймат дастлабки оғирлик коэффициентига қўшилади:

$w_{M,j,k} = w_{M,j,k} + \Delta w_{M,j,k}$.

8-қадам: 3-қадамга ўтилсин;

9-қадам: Ўргатиш тугатилсин.

Нейрон тармоғини ўргатиш жараёнининг мураккаблигидан келиб чиқиб, дастлабки амалий натижалар сифатида ўзбек тилининг 8 та фонемини аниқлаш имкониятига эга экспериментал дастурий таъминот 3 қатламли ва 8 та чиқишга эга персептрон схемаси асосида яратилди (4-расм).

Ўтказилган синовлар статистикасига асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, идрок этиш самарадорлиги, энг биринчи навбатда, нейрон тармоғининг қанчалик пухта ўргатилганлигига, шунингдек, эталон сўзлар (фонемлар) базаси тўлиқлиги ва сифатига боғлиқдир.



а	б	в	г	д	е	ё	ж
99.283843	0.000509	0.713521	0.020431	0.005526	0.001600	0.123992	0.070954
0.116561	0.014161	0.006962	0.246566	0.000169	99.394072	0.025625	0.200478
0.035477	0.002436	0.009975	0.012102	0.002957	0.002678	99.772905	0.566814
0.000017	0.453480	0.458626	0.000723	99.158809	0.001890	0.021404	0.857520
0.028688	0.224667	99.525212	0.000114	0.008288	0.608106	0.231248	0.151563
0.360746	0.039639	0.000007	99.208921	0.004343	0.487261	0.143313	0.000008
0.002988	99.489929	0.144740	0.035325	0.002504	0.205405	0.000070	0.000796
0.045318	0.000500	0.000986	0.000342	0.105358	0.023711	0.080917	99.542849
99.283843	0.000509	0.713521	0.020431	0.005526	0.001600	0.123992	0.070954

4-расм. Экспериментал дастурий таъминот интерфейси.

Фонемлар базаси аниқ бир дикторнинг ўзбек ҳарфларини турли хил талафузидаги (ҳолат, кайфият ва саломатликнинг ўзгаришига мос равишда) овоз ёзувларидан иборат бўлиб, *.wav мультимедиа файллари тўплами кўринишида шакллантирилди.

Овоз сигналлари 25 мс давомийликдаги сегментларга ажратилиб Хэмминг вазн функциясидан (ойнаси) фойдаланиб қайта ишланди. Тармоққа кирувчи маълумотлар ҳажмини камайтириш мақсадида овоз сигналлари Фурье ўзгартиришлари ёрдамида вақт соҳасидан частота соҳасига ўтказилди. Олинган спектр ташкил этувчилар ёрдамида мел коэффициентлари ҳисобланди. Натижада ҳар бир фонем учун 495 та сонли элементлардан иборат X кириш векторлари ҳосил бўлди.

Нейрон тармоғини ўргатиш учун зарур бўлган *X* кирувчи ва *Y* чиқувчи жуфтликларни йиғишда қуйидаги кетма-кетликка амал қилинди. Мисол учун, “*a*” – фонемининг кирувчи вектори бўлган $X(x_1, x_2, x_3, x_4, x_5, x_6, \dots x_n)$ – мел коэффициентлари тўплами ва унга мос $Y(1, 0, 0, 0, 0, 0, 0, 0)$ чиқувчи маълумотлар бинар кўринишда train.dat файлига ёзиб борилди. Бунда *w* оғирлик коэффицентлари юқорида келтирилган хатоларни қайта тақсимлаш алгоритми ёрдамида аниқланди. Фонем тартиб рақамига мос келувчи *Y* чиқувчи маълумот 0...1 диапазонда ўзгаради.

Идрок қилиш режимида энг максимал қийматга эга тармоқ чиқиши рақами идрок қилинган фонемни аниқлаб беради. Демак, “*a*” фонеми учун тармоқнинг биринчи рақамли чиқишидаги қиймат бошқа чиқишлардагига нисбатан катта бўлиши лозим.

Экспериментал дастурий таъминот тест ва реал сигналлар, яъни статик ва динамик режимда синовдан ўтказиб кўрилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Тест ва реал шароитларда ўтказилган синов натижалари.

фонемлар:		**а**	**б**	**в**	**г**	**д**	**е**	**ё**	**ж**
Идрок қилиниш даражаси (%)									
тест	1	98,97	99,63	99,02	98,54	99,36	98,8	98,54	98,85
	2	99,5	99,62	98,98	98,66	98,92	98,04	98,76	98,52
	3	46,7	99,29	98,90	98,93	99,08	98,72	98,85	99,06
	4	99,79	99,55	98,77	98,8	99,37	99,84	98,95	99,42
	5	99,9	98,58	99,38	99,11	99,13	99,9	99,29	99,40
реал	1	99,69	91,35	хато	хато	28	80,58	хато	хато
	2	70,04	30,12	91,42	12,47	хато	70,45	хато	хато
	3	95,51	хато	68,78	55,8	хато	92,97	16,8	90,16
	4	хато	99,45	60,45	49,78	73,91	31,4	16,03	91,84
	5	98,89	72,2	89,07	8,58	хато	55,42	44,01	хато

Статик режимда тест сигналлари сифатида тармоқни ўргатишда фойдаланилган овоз маълумотларидан фойдаланилди. Динамик режимда реал сигналлар тармоқ учун ҳали ўрганилмаган ва тўғридан тўғри микрофон орқали компьютернинг овоз картаси орқали қабул қилинган маълумотлардир.

Шунингдек, инсон нутқи тасодифий сигнал бўлганлиги учун, ҳаттоки битта диктор ҳар гал бир хил фонемни талаффуз қилганда ҳам унинг частота ташкил этувчилари ҳар-хил қийматга эга бўлади.

Ўтказилган синовлар статистикасига асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, идрок этиш самарадорлиги, энг биринчи навбатда, нейрон тармоғининг қанчалик пухта ўргатилганлигига, шунингдек, эталон сўзлар (фонемлар) базаси тўлиқлиги ва сифатига боғликдир.

Эталон сўзлар базаси ҳажмининг ошиши овоз маълумотларини идрок этиш самарадорлигини яхшилаш билан бир қаторда умумий қайта ишлаш жараёнини секинлашишига сабаб бўлади. Бу ўзига хослик идрок этилаётган инсон нутқини базада мавжуд бўлган барча эталон маълумотлар билан солиштириш учун кетадиган вақт сарфи билан тушунтирилади.

Нутқий сигналларнинг статистик характеристикалари асосида ва ўзбек тили фонемларини ички структураларини рақамли таҳлил қилиш натижасида нутққа таъсир этувчи омилларнинг турлари ўрганилди. Нутқнинг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллар 2-жадвалда келтирилган. Жадвалда таъсир қилувчи омиллар соҳаларга ажратиб кўрсатилган. Ушбу таъсирлар исталган *t* вақтда нутқ холатининг ўзгаришига олиб келади. Экспериментал дастурий таъминот ушбу таъсирлар алгоритмик нуқтаи назардан ўрганилиб тузилган.

2-жадвал.

Талаффузнинг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллар.

Узоқ муддатли таъсирлар									**Қисқа муддатли таъсирлар**		**Каналнинг хусусияти**			**Атроф-муҳит таъсири**	
Овоз йўлининг ўзига хослиги				**Ҳудуднинг ўзига хослиги**		**Нутқнинг бузилиши**			**Дикторнинг ҳолати**						
Кўкрак қафасининг ҳажми	Овоз йўлининг узунлиги	Тил ва лабнинг ҳажми, катталиги	Овоз йўлининг ўзига хос бўлган бошқа хусусиятлари	Шева	Нутқ усули	Дудуқланиш	Афазия	Бошқа касалликлар	Физиологик (шамоллаш, нутқ йўлларининг вақтинчалик шикастланиши)	Эмоционал (хурсандчилик, ҳорғинлик ва бошқа.)	Микрофон тури	Микрофонгача бўлган масофа	Узатиш каналидаги шовқинлар	Шовқиннинг сатҳи	Диалогдаги иштирокчилар сони

Хулоса

Инсон нутқини идрок этишда нейрон тармоқларидан фойдалиш натижасида қуйидаги тадқиқот ишлари амалга оширилди.

1. Нутқни идрок этиш жараёни учун нейрон тарқмоқларининг модели қурилди.
2. Нейрон тарқмоқларини қуришда уч қатламли персептрон моделидан фойдаланилди. Персептрон моделида нейронлар қатламлараро бошқа бир нейрон билан боғланиш ташкил этган бўлиб, қатламларда нейронлар тенг тақсимланган.
3. Хатоларни қайта тақсимлаш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу алгоритм тўққиз босқичдан иборат. Ҳар бир босқич муайян масалани ечишга йўналтирилган.
4. Амалий натижалар сифатида ўзбек тилининг 8 та фонемини аниқлаш имкониятига эга экспериментал дастурий таъминот 3 қатламли ва 8 та чиқишга эга персептрон схемаси асосида яратилди.
5. Нутқий сигналларни идрок этиш самарадорлиги, нейрон тармоғининг қанчалик оптимал даражада қурилганлигига, эталон сўзлар (фонемлар) базаси тўлиқлиги ва сифатига боғлиқ экани аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аксенов С.В., Новосельцев В.Б. Организация и использование нейронных сетей (методы и технологии) Томск, Изд-во НТЛ, 2006, 128 с.
2. Саймон Х. Нейронные сети. -М.: Издательский дом “Вильямс”, 2006, 1104 с.
3. Роберт К. Основные концепции нейронных сетей, Издательский дом “Вильямс”, Москва-Санкт-Петербург-Киев, 2001, 287 с.
4. Попов Р.А. Создание системы распознавания речи начального уровня – голосовой телефонный справочник, Кемерово, 2001, 63 с.
5. Кипяткова И.С., Ронжин А.Л., Карпов А.А. Автоматическая обработка разговорной русской речи, Монография, СПИИРАН. СПб.: ГУАП, 2013, 314 с.
6. Кипяткова И.С. Методы и программные средства фонетико-языкового моделирования в системах автоматического распознавания русской речи, СПб., 2011, 136 с.
7. Продеус А.Н., Овсяник В.П., Ёлкин С.А., Ляшенко А.Г. “О влиянии помех и параметров настройки на качество функционирования системы автоматического распознавания речи”, Электроника и связь, 2013, Т. 72, №1, С. 94–101.
8. Первушин Е.А. Обзор основных методов распознавания дикторов “Математические структуры и моделирование”, 2011, вып. 24, С. 41–54.

УДК 671.03

АКТ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАТУВЧИ ТИЗИМЛАРНИНГ ЎРНИ

Рахманов Қ.С., Абидова Ш.Б., Хожиев С.Н.

Ушбу мақола дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизимларни таҳлил қилишга бағишланган. Бунда бу борада олиб борилган ишлар ва келгусидаги амалга оширилиши зарур бўлган режалар ҳақида сўз юритилган.

Таянч иборалар: дастурлаш, дастурлаш тиллари, дастурий таъминот, тестлаш, масала, ечим, баҳолаш, рейтинг, портал, тизим, кадрлар тайёрлаш, ахборот-коммуникация технологиялари.

Данная статья посвящена анализу автоматических проверяющих систем правильности программных решений. Поэтому здесь приведены сделанные работы и планированные работы в будущим.

Ключевые слова: программирование, языки программирование, программное обеспечение, тестирование, задача, решение, оценка, рейтинг, портал, система, подготовка кадров, информационно-коммуникационные технологии.

This article analyzes the systems automatically check the correctness of software solutions. So here are made of work and plan future work.

Key words: programming, programming languages, software, testing, task, decision, assessment, rating, portal, system, personnel training, information and communication technologies.

Кириш

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари асрида жамиятнинг ҳар бир бўғинини ёки ҳар бир соҳасини автоматлаштириш, яъни бу соҳага ахборот технологияларини киритиш долзарб вазифалардан бири саналади. Ҳар бир соҳага ахборот технологияларини киритишнинг асосида дастурлаш воситалари, дастурлаш тиллари, ва дастурлаш технологиялари каби тушунчалар ётади. Бунинг натижасида бир ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги дастурлаш тилларини биладиган, ўзи мустақил равишда дастур туза оладиган кадрлар масаласига дуч келамиз. Бунинг натижасида эса бўлғуси дастурлаш бўйича кадрлар орасида, яъни талабалар орасида дастурлашга бўлган қизиқиш кундан кунга ривожланиб бормоқда.

Дастурлашга доир билимларини янада ошриш учун Интернет тармоғида кўплаб дастурий ечим тўғрилигни автоматик тестловчи тизим, яъни дастурлашга оид on-line сайт ва порталлар фаолият олиб бормоқда. Бу сайтлар орқали талабалар масалаларни тўпламига кириб масалаларни олишлари ва дастур матни(коди)ни юборишлари мумкин. Бу талабалар учун жуда қулай имкониятларга эга.

Асосий қисм

Дастурлашга оид бундай сайтлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- масала ечимини камида учта замонавий дастурлаш тилларидан бирида текшира олиши;
- жўнатилган ечим учун тизим on-line равишда қуйидаги кўринишда жавоб бера олиши лозим:
  - Accepted – қабул қилинди.
  - Compilation error – компиляцияда хатолик.
  - Wrong answer – нотўғри жавоб. Бунда тест рақами келтирилади.

- Time limit exceeded – вақт чегараси бўйича лимит юқори.
- Memory limit exceeded - хотира чегараси бўйича лимит юқори ва бошқалар.

- суткада 24 соат ишлаши;
- доимий равишда онлайн мусобақалар ўтказиб туриши ва бошқалар

Бундай сайтлар ҳозирги вақтда кўплаб компаниялар томонидан кузатувга олинган бўлиб, айримлари улар томонидан молялаштирилади.

Юртимизда ҳам бундай сайтлар аста-секинлик билан ривожланиб бормоқда. Қуйида биз бир қанча сайтларни келтириб ўтамиз.

acm.tuit.uz сайти 2008 йил ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда бу сайтнинг базасида русча ва ўзбекча бошланғичдан мураккабгача бўлган 600 дан ортиқ масалалар жамланган. Масалалар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу сайтда ҳафтада бир марта талабалар орасида онлайн контестлар ташкил этиб борилади.



1-расм. acm.tuit.uz асосий ойнаси

Янгиликлар. Бу бўлимда сайт орқали бўлиб ўтадиган мусобақалар, контестлар, сайтга қўшилган янги бўлимлар хақида маълумотлар ёритиб борилади.

Масалалар архиви. Бу ойнада талабаларга оддийдан мураккабгача бўлган масалалар берилган ва талабалар томонидан кўпроқ ишланган масалани фоизини ҳам кўриш мумкин.

Ечимни жўнатиш. Бу қисмда талабалар ечган масала кодини серверга текшириш учун жўнатиши мумкин. Жўнатиш жараёнида талаба дастур тилини танлайди ва масала номини киритади ва масалани текширишга жўнатиш тугмасини босади.

Жорий натижалар. Бу ойнада талаба томонидан текширишга жўнатилган масалалар сервер томонидан текширгандаги натижалар қайд этилади. Натижалар қуйидагича бўлиши мумкин, нотўғри жавоб, қабул қилинди, вақт лимити ошиб кетди, хотира лимити ошиб кетди ва компиляцияда хатолик. Бунда агар қабул қилинди натижа қайтса фойдаланувчи ечими тўғри ҳисобланади.

Рейтинг ойнаси. Бунда фойдаланувчилар ишлаган масалалар сонига қараб рейтинг белгиланади.

Ёрдам ойнаси. Бу ойнада компиляторлардан фойдаланиш ҳақида қисқача маълумот берилган.

Форум ойнаси. Бу ерда талабалар ҳар бир масала учун ўзаро мулоқот олиб боришлари мумкин. Бундан ташқари бошланғич алгоритмлар ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Контест ойнаси. Бу ойнада бўлиб ўтган контестлар ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Онлайн рўйхатдан ўтиш. Бу ойна ёрдамида фойдаланувчилар сайтдан рўйхатдан

ўтишлари мумкин. Бунда фойдаланувчи университет ва гуруҳини танлаб рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд.

Онлайн олимпиада. Бу ойнада ҳар хафтада бир маротаба фойдаланувчилар ўртасида онлайн мусобақа бўлиб ўтади.

2-расм. algo.tuit.uz сайтнинг асосий ойнаси

Бу сайтнинг контест ойнасида бўлиб ўтган ва режалаштирилган констестларни бир вақтда кўриш мумкин.

Монитор ойнасида юқорида келтириб ўтилган сайтнинг монитор ойнасидан фарқли равишда жўнатилган дастур матнининг сервердаги ID рақами, масаланинг қанча вақтда ишланганлиги ва масала хотирадан қанча жой эгаллаганлигини кўриш мумкин.

Масалалар тўплами ойнасида оддийдан мураккабгача бўлган масалалар рўйхати келтирилган. Ҳар бир масала учун унинг қайси мавзуга тегишли эканлиги, қанча фойдаланувчи томонидан ишланганлиги ва қанча фойдаланувчи томонидан ҳаракат қилинган ва ишлай олинмаганлигини кўриш мумкин. Бунда масала номери ва номи алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари бу ойнада масала мавзуси танланганда шу мавзуга доир масалалар рўйхати саралаб кўрсатилади.

Ечимни текшириш ойнасида юқорида келтириб ўтилган сайтдан фарқли равишда дастур матнини тўғридан – тўғри киритиш ҳам мумкин.

Бу сайтнинг Рейтинг ойнасида ишланган масалалар сонидан ташқари қачон ишланганлигига боғлиқ равишда сараланади ва бунда биринчи ўрин учун олтин медал белгиси, иккинчи ўрин учун кумуш ва учинчи ўрин учун эса бронза белгиси берилади.

Форум хабарлари ойнасида ҳар бир фойдаланувчи учун сўнги ўқилмаган форум янгиликлари рўйхати туради.

Бу сайтнинг ихтиёрий масала матнига кирганда қуйидаги имкониятлар мавжуд:

- шу масаланинг форум қисмига ўтиш имконияти;
- ҳар бир фойдаланувчи учун шу масалага қилган уринишлари ва ҳар бир уринишдаги дастур матнини кўриш имконияти мавжуд;
- шу масаланинг ишланиш тезлиги ва хотира бўйича рейтингини ҳам кўриш мумкин.

Бу сайтда ҳар бир фойдаланувчи ўз логин ва пароли ёрдамида сайтга кирган вақтда ўз хонасига кириш имконияти мавжуд ва бу ерда у ўзининг сўнги уринишлари ва ўз натижаларини кўриши мумкин.

Бу сайтда яна онлайн мини чат мавжуд бўлиб, бу ерда ихтиёрий фойдаланувчи ўз фикри ва мулоҳазаларини билдириши мумкин.

Бу сайтнинг бошқа сайтлардан яна бир фарқли томони кўп ечимли масалаларни ҳам текшириш имконияти бор.

Бу тизимларнинг асосий вазифаси етишиб келаётган ёш авлодни дастурлаш билимини оширишга бағишланган.

Энг асосий мақсади эса таълим муассасаларида дастурлашга доир фанларни самарали равишда ташкил этишдан иборат. Дастурлашга доир фанларда ажратилган мустақил таълим соатларини самарали амалга оширишни таъминлайди.



3-расм. acm.tuit.uz жорий натижалар ойнаси



4-расм. algo.tuit.uz жорий натижалар ойнаси

Хулоса

Ҳозирги вақтда бу тизимларнинг тестлаш жараёнларини янада мукаммалтириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бу тизимларда одатда талаба коди масала учун келтирилган барча тестларни қаноатлантирсагина “Қабул қилинди” деган жавоб чиқади ва талабага балл берилади. Эндиги мақсад масала учун берилган N та тестдан нечтаси қаноатлантиришига ва масаланинг қийинлик даражасига кўра балл беришни ишлаб чиқиш режалаштирилган.

$$x = \frac{B * M}{N},$$

Бунда, B ($0 < B \leq 100$)– масала учун берилган балл, N ($5 \leq N \leq 500$)– масала учун берилган тестлар сони, M ($0 \leq M \leq N$) – фойдаланувчи ечимини қоноатлантирувчи тетслар сони ва x ($0 \leq x \leq N$)– берилган балл.

Адабиётлар

1. acm.tuit.uz.
2. acm.timus.ru.
3. algo.tuit.uz.
4. http://codeforces.com/

УДК 387

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ДЕКАНАТ ФАОЛИЯТИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

Маҳманов О.Қ.

Ушбу мақолада деканат фаолиятидаги талабаларнинг давомати ва ўзлаштиришининг мониторинг ахборот тизими яратиш масалалари кўрилади.

Таянч иборалар: ахборот тизими, автоматлаштириш, TCP/IP, Codeigniter, ОЙД, мониторинг қилиш, олий таълим муассасаси.

В статье приводятся разработки автоматизация деканата, мониторинг посещаемость и успеваемость студентов.

Ключевые слова: информационная система, автоматизация, TCP/IP, Codeigniter, ООП, мониторинг, высшие учебные заведения.

This article describes developing the automatization of department, monitoring attendance and academic performance of students.

Keywords: information system, automation, TCP/IP, Codeigniter, OOP, monitoring, higher education.

Кириш

Маьлумки талаба ҳақидаги маьлумотларнинг кўпчилиги олий таълим муассасаси деканатларида сақланади. Олий таълим муассасаси деканатларида талабалар ҳақидаги маьлумотларнинг электрон шаклда сақланиши талабаларнинг контингентини аниқлашда ва талабалар ҳақидаги ихтиёрий маьлумотларга тезкор равишда эга бўлиш ва ҳар хил ҳисоботларни тайёрлаш имконини берувчи веб интерфейсни ишлаб чиқиш орқали бу тизимдан тармоқ орқали фойдаланишга имкон беради. Ҳозирги кунда бундай тизимлар мавжуд бўлиши мумкин. Лекин бу тизимнинг веб кўринишида эканлиги улардан ажралиб туради.

Талабанинг ўзлаштиришини назорат қилишда деканат ходими томонидан ҳар бир семестрда жорий ва оралиқ назорат баллари киритиб борилиши орқали уларнинг билим савиясини кузатиб бориш мумкин. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

Олий таълим муассасалари деканатлари фаолиятини автоматлаштиришни веб-технологиялар ёрдамида ишлаб чиқиб, олий таълим муассасаси серверида жойлашган ягона маълумотлар базасидан барча факультетларнинг тармоқ орқали фойдаланишига имкон яратишдир.

Бу орқали тизимни назорат қилиб туриш осонлашиши ва қоғозбозликни камайтириш ҳамда ҳужжат айланишида инсон факторини камайтириш мақсад қилиб қўйилган.

Барча маълумотлар марказлашган серверда сақланади ва TCP/IP протоколи орқали клиент дастури ёрдамида фойдаланиш мумкин. Тизим оммабоп MVC(Model-View-Controller) фреймворклардан бири ҳисобланган Codeigniter воситасида ишлаб чиқилган бўлиб, ишлаш тезлиги ва хавфсизлиги билан ажралиб туради. Codeigniter ОЙД (Объектга йўналтирилган дастурлаш - Объектно-ориентированное программирование - Object Oriented Programming) га асосланган фреймворкдир.

Асосий қисм

Ушбу ахборот тизими деканат фаолиятида учрайдиган барча масалаларни осонлаштириш учун ишлаб чиқилган. Тизимнинг умумий структураси 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Тизим структураси

Деканат фаолиятида ўчрайдиган барча ҳисоб ишларини автоматлаштириш кўзда тўтилган. Буларга қуйидагилар киради:

1. Талабалар контингенти ҳисобини юритиш, деканат орқали ўтадиган буйруқларни тайёрлаш ва ҳисобини юритиш, ҳисобот ва маълумотнома ҳужжатларини тайёрлашга мўлжалланган услубчи автоматлаштирилган иш ўрнини ташкил этиш;
2. Қайдномалар ва имтиҳон варақларини тайёрлаш, талабаларнинг фанлардан ўзлаштиришини ҳисоблаш ва диплом иловаларини тайёрлаш;
3. Талабаларнинг қолдирган дарс соатларини ҳисоблаш, огоҳлантириш, хайфсан ва четлаштириш буйруқларини шакллантириш ҳамда ўқув жадвалини шакллантириш;
4. Деканат ходимлари учун кенг спектрдаги маълумотларни ҳамда талаба ва уларнинг ота-оналари учун чекланган ҳажмдаги маълумотларни тақдим қилиш;

Демак бу ахборот тизимида ечилиши керак бўлган масалалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Талабанинг шахсий варақаси;
2. Фанларнинг ўқув жадвали;
3. Талабаларнинг ўзлаштиришини ҳисоблаш;
4. Талабаларнинг давоматини ҳисоблаш;
5. Имтиҳон қайдномасини шакллантириш;
6. Талабаларни курсдан-курсга ўтказиш;
7. Талабаларни четлаштириш ва тиклаш;
8. Талабалар контингенти;
9. Шартнома тўловлари ҳисобини юритиш;
10. Турли шаклдаги ҳисоботларни тайёрлаш;
11. Ўқитувчи шахсий кабинети;
12. Талабаларнинг шахсий кабинети.

Тизимда қуйидаги турдаги фойдаланувчилар мавжуд: ректор, декан, декан муовини, кафедра мудири, дарс жадвалини ташкил этувчи, маркетинг, ўқитувчи, талаба, тизим администратори. Ҳар бир турдаги фойдалувчи гуруҳининг маълумотларга бўлган мурожаатлари турлича ташкил этилган.

Тизим администратори томонидан ҳар бир фаъкултет деканига тизимдан фойдаланиш учун логин ва махфий сўз берилади. Тизимга факультет декани сифатида ташриф буюрилса, бош саҳифа қўйидаги кўринишга эга бўлади (2-расм).

2-расм. Тизимнинг бош саҳифаси

Ҳар бир факультетда ўз кафедралари, йўналиш(ихтисослик)лари, гуруҳлари ва гуруҳдаги талабалар контингенти шакллантирилади. Талаба киритиш саҳифаси 3-расмда келтирилган. Бу саҳифада талабага оид маьлумотлар киритилади. Бу саҳифа учта қисмдан иборат: яьни талабанинг асосий маьлумотлари, таьлим маьлумотлари, қўшимча маьлумотларини киритишдан иборатдир.



3-расм. Талаба киритиш саҳифаси

Талабалар рўйхатини кўрадиган бўлсак дастлаб бу саҳифа юкланганда факультетдаги барча талабалар курс ва гуруҳи танланмаган ҳолда маьлум қонуниятга асосан чиқади (4-расм). Ундан курс ва гуруҳни танлаб саралаш мумкин. Шу ернинг ўзидан талаба маьлумотларини ўзгартириш, талабани ўчириш каби амалларни бажариш мумкин. Шунингдек бу ердан олдин айтганимиздек ихтиёрий талабанинг шахсий анкетасига ўтиб талаба ҳакидаги маьлумотларга тезкор равишда эга бўлиш мумкин ҳамда шахсий анкетада талабага чиқарилган буйруқларни кузатиб бориш мумкин.

Talabalar ro'yxati

Talaba qo`shish »

Kurs -Tanlang- Guruh --Tanlang-- OK Talabalar soni: 1786

T/R	Talaba nomeri	FIO	Tug`ilgan joyi	Ta`lim turi	Moliya turi	Jinsi	Millati	Actions
1	21206-12	Abdimomin Faruxjan Jamaliddin o'g'li	Toshkent Shahri	bakalavr	grant	erkak	Uzbek	
2	21304-14	Abdualimov Alisher Abdurauf o'g'li	Toshkent viloyati	bakalavr	grant	erkak	Uzbek	
3	22803-14	Abduazimova Movlidaxon Avaz qizi	Toshkent Shahri	bakalavr	grant	ayol	Uzbek	
4	21003-14	Abdugaffarov Abror Doniyor o'g'li	Toshkent viloyati	bakalavr	grant	erkak	Uzbek	
5	22108-14	Abdujalilov Dostonbek Abdug'ofur o'g'li	Namangan viloyati	bakalavr	grant	erkak	Uzbek	
6	22308-12	Abdukahhorov Azizhon Baxodir o'g'li	Toshkent Shahri	bakalavr	grant	erkak	Uzbek	

4-расм. Талабалар рўйхати саҳифаси

Талаба ҳақидаги маълумотларни шунингдек гуруҳ мураббийи ҳам киритиши мумкин. Бунинг учун қуйидаги амаллар кетма-кетлигини бажариш керак:

- факультет томонидан кафедра мудирларига тизимдан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши керак;
- кафедра мудири томонидан профессор-ўқитувчилар таркиби тизимга рўйхатдан ўтказилиши керак;
- факультет декани гуруҳлар рўйхатидан гуруҳни танлаб “Мураббий тайинлаш” тугмаси орқали гуруҳга қайси кафедранинг қайси ўқитувчиси мураббий эканлиги белгиланади;
- ўқитувчи ўз шахсий кабинетига кирганда “Мураббийлик гуруҳи” бўлимидан гуруҳ контингентини киритиб, янгилаб бориши имкони бўлади.

Ушбу тизимни факультетлар иш фаолиятига жорий этиш орқали деканатларнинг талабалар контингентини, талабаларнинг дарсларга қатнашиши ва улардан ўзлаштириш маълумотлари мониторингини юритиш ҳамда дарс жадвалини он-лайн шакллантириш билан боғлиқ ахборот алмашиш фаолияти самарадорлигини оширади.

Хулоса

Ушбу ишлаб чиқилган тизим учун №2241 рақамли гувоҳнома олинган. Тизимни ОТМ деканатлари фаолиятини автоматлаштириш жараёнларида қўллаш орқали қўл меҳнатида бажариладиган кўплаб масалаларнинг камайишига эришилади:

- талабалар ҳақидаги маълумотларга тезкор эга бўлиш имкони бўлади;
- ОТМ ичида электрон ҳужжат айланишини таъминланади;
- деканат тизимида қилинадиган қўл меҳнатини камайади;
- талабалар учун шахсий кабинет очилганлиги талабалар учун ўзлаштириш ва давоматини ва ота-оналар учун фарзандларининг ўзлаштириш ва давоматини кузатиб бориш имкони бўлади.

Бундан ташқари тизимни республикамиздаги бошқа олий таълим муассасаларига тақдим этиш режалаштирилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Хамдамов У.Р., Маҳманов О.Қ. «Деканат» автоматлаштирилган ахборот тизими // «Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари » ёш олимлар, тадқиқотчилар, магистрант ва талабаларнинг Республика илмий-техник конференцияси маърузалар тўплами, 15 март 2012 й. – Тошкент, 2012. – б.25-26.

2. Маҳманов О.Қ., Хамдамов У.Р., Таджиходжаев З.А. «Деканат» автоматлаштирилган ахборот тизимининг кафедра модули // «Давлат ва жамият бошқарувида замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг долзарб муаммолари» Республика илмий-амалий конференцияси материаллари, 17 апрель 2015 й. – Тошкент, 2015. – б.18-20.

3. http://codeigniter.org

УДК 621.391

ВЫБОР МЕТОДА ОЦЕНКИ КАЧЕСТВА ОПТИЧЕСКИХ КАНАЛОВ СВЯЗИ В СИСТЕМАХ WDM

Миразимова Г.Х.

Мақолада тўлқин узунлиги бўйича ажратилган тизимларнинг сифатига таъсир этувчи омилларнинг ва оптик каналларнинг сифатини баҳолаш усулларини танлашнинг тадқиқоти ва таҳлили келтирилган.

Таянч иборалар: толали-оптик узатиш тизимлари, каналларни тўлқинли ажратиш, оптик сигнал, оптик канал, ночизиқли эффектлар, узатиш сифати, сифатни баҳолаш, оптик сигнал қуввати.

В статье приведены исследование и анализ факторов влияющих на качество систем с разделением по длине волны и выбор метода оценки качества оптических каналов.

Ключевые слова: волоконно-оптические системы передачи, волновое разделение каналов, оптический канал, нелинейные эффекты, качество передачи, оценка качества, мощность оптического сигнала.

Research and the analysis of factors of the systems influencing quality with division according to wavelength and a choice of a method of an assessment of quality of optical channels are given in article.

Keywords: fiber-optic systems of sending, wave division channel, optical channel, nonlinear effects, quality of sending, estimation quality, power of the optical signal.

Введение

